

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ**

ЮЛДОШЕВ БАХТИЁР ШОДМОНОВИЧ

**ГРУНТНИНГ НАМЛИГИНИ ВА НОЭЛАСТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРНИНГ
КУЧЛАНГАНЛИК-ДЕФОРМАЦИЯ ҲОЛАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА
ПРОГНОЗЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши,
01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Юлдошев Бахтиёр Шодмонович

Грунтнинг намлигини ва ноэластик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда
грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатларини баҳолаш
ва прогнозлаш усулларини ишлаб чиқиш..... 3

Юлдошев Бахтиёр Шодмонович

Разработка методов оценки и прогнозирования напряженно-
деформированного состояния грунтовых плотин с учетом влажностных
и неупругих свойств грунта..... 23

Yuldoshev Bakhtiyor Shodmonovich

Development of the methods for estimating and predicting stress-strain state
of earth dams with account of moisture and inelastic properties of
soil..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ**

ЮЛДОШЕВ БАХТИЁР ШОДМОНОВИЧ

**ГРУНТНИНГ НАМЛИГИНИ ВА НОЭЛАСТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРНИНГ
КУЧЛАНГАНЛИК-ДЕФОРМАЦИЯ ҲОЛАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА
ПРОГНОЗЛАШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши,
01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2PhD/Т.229 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз,(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.tiame.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Султанов Тахиржон Закирович
техника фанлари доктори, доцент

Мирсанов Мирзиёд Мирсанович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Махмудов Илхом Эрназарович
техника фанлари доктори

Исмойилов Купаймурот
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.10.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг «21» сентяб 2018 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел./факс: тел.:(99871)237-19-61, 237-22-09, факс: (99871)237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танилиш мумкин(№26 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел./факс: тел.:(99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «9» сентяб да тарқатилди.
(2018 йил «9» сентяб даги №26 рақамли реестр баённомаси)



А.Т.Салоҳиддинов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф.

А.А.Янгиев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

О.Я.Гловацкий
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

Кириш (PhD) докторлик диссертациясининг аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда қурилган 800 мингдан ортиқ ғрунтли тўғонлардан энергетика ва ирригация мақсадларида фойдаланилаётганлиги боис барча гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминловчи, уларнинг мустаҳкамлигини ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан, сув омборининг тўлдирилиш сатҳига боғлиқ ҳолда ғрунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация ва динамик ҳолатларини баҳолаш ва башорат қилишда иншоотнинг конструктив бир жинссизлиги, ғрунтнинг ноэластиклик хусусиятлари ва намликни нотекис тарқалишларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ривожланган давлатларда, жумладан Россия, АҚШ, Хитой, Германия ва бошқа давлатларда лойиҳаланаётган ва қурилаётган барча гидротехника иншоотларининг ишончлилиги ва мустаҳкамлигини таъминловчи услубларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ғрунтли тўғонларнинг конструктив тузилиши ва ҳақиқий ишлаш шароитларини инобатга олган ҳолда уларнинг кучланганлик - деформацияланиш ҳолатларини ҳисоблаш услубларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ғрунтли тўғонларни лойиҳалашда уларнинг кучланганлик - деформацияланиш ҳолатларини аниқлаш ва башорат қилиш, зилзилабардошликлари ва мустаҳкамликларини баҳолаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда кўплаб сув омборларини лойиҳалаш ва қуришга, уларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»¹ вазифалари белгиланган. «2018-2019 йилларда республикамизнинг 6 та вилоятида жами 11 та турли ҳажмдаги сув омборларининг қурилишини режалаштирилганлиги»², уларнинг ҳисобига 1 миллион 200 минг гектар ерларнинг сув таъминотини яхшилаш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан сув омборларининг тўғонларининг ҳақиқий ишлаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик-деформация ва динамик ҳолатларини, мустаҳкамликларини баҳолаш ва башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. –Тошкент шаҳри, 2017 йил 9 декабрь

Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2947-сон «2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003-сон «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика», VIII. «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зилзилабардош гидротехника иншоотларининг лойиҳаланиши ва қурилиши муаммолари бўйича М.А.Ахмедов, О.Я.Гловацкий, К.С.Султанов, М.Мирсаидов, М.Р.Бакиев, К.Д.Салямова, А.А.Янгиев, (Ўзбекистон), Н.А.Анискин, А.С.Антонов, Ю.Б.Мгалобелов, А.В.Дейнеко, Е.Н.Беллендир, В.Б.Глаговский, З.Г.Тер-Мартиросян, В.Н.Ломбардо, И.С.Шейнин, С.Г.Шульман, Г.Л.Рубинштейн, В.С.Кузнецов, В.Н.Ломбардо, В.В.Москвитин, Б.Е.Победря, L.V.Zhang, Y.Wang, G.Wang, D.Q.Li, G.Beer, J. R.Booker, J. P.Carter, Wang Weibiao, K.Noeg, K.Nackler, P.Tschernutter, G.V.Baecher, J.T.Christian ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Грунтли иншоотларнинг бир жинссизлиги, ташқи кучлар таъсирида грунтларда рўй берадиган деформацияланиш жараёнлари Б.Э.Хусанов, К.С.Султанов, Х.З.Расулов, А.С.Хасанов, Н.А.Цытович, А.А.Ильюшин, Б.Г.Коренева, Т.Мавлонов, С.С.Вялов, Э.Е.Хачиян, М.А.Колтунов, К.Р.Рам, Nakagawa Hajime, Kawaike Kenji Baba, Yasuyuki, Zhang Hao, A.A.Balkema ва бошқа олимларнинг ишларида ўрганилган ҳамда маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда ҳақиқий ташқи таъсирларда грунтли иншоотларнинг зилзилабардошлиги ва мустаҳкамлигини сифат жиҳатидан илмий асосланган ечимларнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Булар-грунтнинг реологик хусусият-ларини ифодалашда ковушқоқ-эластиклик назарияси фойдаланиш имконият-лари, грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлигини баҳолашнинг мезонларини ишлаб чиқиш, конструкциянинг бир жинссизлиги, иншоот материалининг чизиксизлик ва диссипатив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг динамикаси ва кучланганлик-деформация ҳолатлари баҳолашнинг ҳисоблаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб

чиқиш, ҳақиқий ва лойиҳаланаётган грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлиги ва ишончилигини баҳолашлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2.8-сон «Гидротехника иншоотларининг призматик ва ўққа нисбатан симметрик конструкциялари динамикасининг ҳисоблаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2014-2016); А-5-098-«Грунтнинг чегаравий кучланганлик ҳолати ва мураккаб хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда грунтли иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ва мустаҳкамлигини баҳолаш» (2006-2008); ҚХ-4ФТ-02-«Текис ва фазовий гидротехника иншоотлари элементларининг мустаҳкамлиги ҳисоби ва назариясининг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2007-2011); ҚХА-15-033-«Грунтли тўғонларнинг зилзилабардошлиги ва мустаҳкамлигини ошириш учун конструктив чора-тадбирлар ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш» (2009-2011); ҚХФ-4-001-«Сув омбори грунтли иншоотларининг зилзилабардошлиги ва мустаҳкамлигининг назарий асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2016); ҚХА-3-008-2015 «Сув билан ўзаро таъсирдаги грунтли гидротехника иншоотларининг мустаҳкамлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади грунтнинг намлиги ва ноэластиклик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатларини баҳолаш ва прогнозлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумлашган текис-деформация ҳолати учун грунтли тўғонларининг кучланганлик-деформация ҳолатларини башорат қилиш ва баҳолашнинг математик моделлари, усули, алгоритми ва ЭХМда ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш;

грунтли тўғонлар танасида намликнинг тарқалишини баҳолашнинг математик моделлари, усули, алгоритми ва ЭХМда ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш;

грунтларнинг механик тавсифлари ва намликни бир жинсиз тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари ва мустаҳкамликларини баҳолаш ва башорат қилиш усули, алгоритми ва ЭХМда ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқиш;

иншоотнинг хусусий тебранишлари шакллари бўйича натижаларни ёйиш ёрдамида стационар динамик таъсирлардаги грунтли тўғонларнинг динамик ҳолатларини баҳолаш учун ҳисоблаш усули, алгоритми ва ЭХМ ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқиш;

иншоот материалининг қовушқоқ эластиклик хусусиятларини ва грунтда намликни нотекис тарқалишини ҳисобга олиб, статик ва динамик кучлар таъсиридаги грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ва динамик ҳолатини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Гиссарак, Пачкамар ва Зомин сув омборларининг грунтли тўғонлари, грунтнинг нотекис намланиши ва қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни турли кучлар таъсиридаги кучланганлик деформация ва динамик ҳолатлари олинган.

Тадқиқот предмети иншоот материалининг қовушқоқ эластиклик хусусиятларини ва грунтда намликнинг нотекис тарқалишини ҳисобга олувчи ҳамда турли таъсирларда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ва динамик ҳолатини башорат қилишнинг мавжуд математик моделлари, усуллари, алгоритмлари ва ЭҲМ дастурлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида мумкин бўлган кўчиш принциплари, умумлашган текис-деформация ҳолати учун грунтли иншоотларнинг деформацияланиш жараёнларини ифодаловчи математик моделлаштириш, намликнинг кўчиш жараёнларини ифодаловчи Лаплас ва Пуассон тенгламалари, чекли элементлар усули, Ньюмарк усуллари ҳамда эластиклик ва қовушқоқ-эластикликнинг умумий қонуниятларидан фойдаланилган.

Тадқиқотлар илмий-янгилиги қуйидагилардан иборат:

грунтнинг ноэластиклик хусусияти ва намлигини ҳисобга олган ҳолда турли таъсирларда грунтли тўғонларнинг умумлашган текис-деформацияланиш ҳолатини ифодаловчи математик модел ишлаб чиқилган;

грунтнинг эластик, қовушқоқ-эластиклик ва намлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумлашган текис-деформацияланиш ҳолати учун грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатларини башорат қилиш ва баҳолашнинг усули ва алгоритми ишлаб чиқилган;

чекли элементлар усули асосида грунтли тўғонларнинг танасида намликни тарқалиш масаласининг сонли ечиш усули такомиллаштирилган;

грунт тўғонларнинг динамик ҳолатини баҳолаш усули тўғоннинг хусусий тебраниш шакллари ёйиш ва грунтнинг қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

грунтли тўғонларининг умумлашган текис-деформацияланиш ҳолатини ифодаловчи математик моделлар асосида мавжуд Пачкамар, Зомин, Гиссарак тўғонларининг кучланганлик-деформация ҳолатлари ва мустаҳкамликларини баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

грунтнинг қовушқоқ-эластиклик хусусияти ва намликни бир жинсиз тарқалишини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатларини башорат қилиш ва баҳолашнинг математик модели ишлаб чиқилган;

турли таъсирларда ҳамда грунтнинг қовушқоқ-эластиклик хусусияти ва намликни бир жинсиз тарқалишини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатини башорат қилиш, баҳолашнинг усули ва алгоритми ишлаб чиқилган;

грунтнинг механик тавсифларини ва бир жинсиз намланишини ҳисобга олган ҳолда турли таъсирлардаги грунтли тўғонларнинг кучланганлик-

деформация ва динамик ҳолатларини баҳолаш учун ЭХМ дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишлаб чиқилган моделлар, ҳисоблаш усуллари ва ЭХМ дастурлари билан олинган натижалар аниқ ечимга эга бўлган маълум модели масалаларнинг ечимлари билан таққосланган, қаралган масалаларнинг натижалари бир неча мартаба синовдан ўтказилиб амалий жиҳатдан талаб этилган аниқликгача яқинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти грунтларнинг қовушқоқ-эластиклик хусусиятлари ва намликни бир жинссиз тарқалишини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ва динамик ҳолатларини башорат қилиш ва баҳолашнинг ишлаб чиқилган математик моделлари, усуллари ва алгоритмлари гидротехника иншоотлари ва деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси объектларини ҳисоблаш жараёнини ривожлантиришга ўзининг ҳиссасини қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти грунтларнинг қовушқоқ-эластиклик хусусиятлари ва намликни бир жинссиз тарқалишини ҳисобга олган ҳолда турли таъсирларда бўлган грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатларини баҳолаш учун ишлаб чиқилган ЭХМ дастурлари лойиҳаланаётган грунтли тўғонларнинг ва ҳозирда фойдаланишда бўлган иншоотларнинг ҳолатларини баҳолаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Грунтнинг намлигини ва ноэластик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатларини баҳолаш ва прогнозлаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

грунтнинг ноэластиклик хусусияти ва намлигини ҳисобга олган ҳолда турли таъсирларда грунтли тўғонларнинг умумлашган текис-деформацияланиш ҳолатини ифодалаш учун ишлаб чиқилган математик модел, ҳисоблаш усули Тўпалонг сув омбори тўғони ва янги лойиҳаланаётган грунтли тўғонлар учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига кирувчи «Ўзсувлойиҳа» АЖда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги 04/27-1285-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси грунтли тўғонларнинг мустақамлигини сонли услубда баҳолаш имконини берган.

чекли элементлар усули асосида грунтли тўғонларни намликнинг тарқалиш масаласини такомиллаштирилган сонли ечиш усули Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига кирувчи «UZGIP» АЖга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги 04/27-1285-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган сонли усул ва алгоритмлар математик ҳисоблаш ишларининг аниқлигини ошириш имконини берган.

грунтли тўғонларининг умумлашган текис-деформацияланиш ҳолатини ифодаловчи математик моделлар асосида мавжуд Пачкамар, Зомин, Гиссарак тўғонларининг кучланганлик-деформация ҳолатлари ва мустақамликларини

баҳолаш учун ишлаб чиқилган усул Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига кирувчи «Ўзсувлойиҳа» АЖга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 21 ноябрдаги 04/27-1285-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ҳозирда фойдаланилаётган ва келгусида қурилиши режалаштирилган сув омборларининг грунтли тўғонларини мустаҳкамлик ва устуворликка текшириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 31 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва мақулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 58 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 1 таси хорижий журналларда, 7 таси республика журналларида.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон ва жаҳонда долзарблиги ва зурурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва тадқиқотларнинг ИТИ тадқиқот режаларига узвий боғлиқлиги, тадқиқотларни олиб бориш услублари, бажарилган тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва уларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи **“Умумлашган текис деформацияланиш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларининг кучланганлик-деформация ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаш”** бобида Пачкамар, Зомин, Гиссарак грунтли тўғонларининг реал геометрияси, конструктив тузилиши ва иншоот материалининг бир жинсизлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумлашган текис деформацияланиш ҳолатдаги тўғоннинг хусусий оғирлиги ва гидростатик сув босими таъсири остидаги кучланганлик-деформация ҳолатларини (КДХ) тадқиқ қилиш ва уларнинг мустаҳкамлигини баҳолаш усули ва натижалари келтирилган.

Сув омборларининг гидростатик босимини ҳисобга олиб, грунтли тўғонларнинг хусусий оғирлиги таъсиридаги кучланганлик-деформация ҳолатларини тадқиқ қилишнинг математик модели ва ҳисоблаш усули таклиф қилинган. Бунда иншоот моҳияти жиҳатидан бир жинсиз деб

каралиб, унинг S_n чегараланган қисми турли хил физик-механик ва деформацион хусусиятларига ($S=S_1+S_2+S_3$) эга (1-расм). Юқори ва битта ён томони (Σ_1, Σ_2) зўриқишлардан ҳоли бўлиб, қуйи қисми Σ_u эса бикр қилиб маҳкамланган.



1-расм. Иншоотни текис-деформацияланиш модели

Турли хил статик кучлар таъсиридаги иншоотнинг мувозанатли ҳолатини (1-расм) ифодалаш учун мумкин бўлган кўчиш принциpidан фойдаланиб, умумлашган текис-деформация ҳолатига мувофиқ мумкин бўлган кўчишларда барча фаол кучларнинг бажарган ишларининг йиғиндисини нолга тенглаймиз, яъни:

$$-\int_{S_1} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} ds - \int_{S_2} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} ds - \int_{S_3} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} ds + \int_S \bar{f} \delta \bar{u} ds + \int_{\Sigma_p} \bar{p} \delta \bar{u} d\Sigma = 0 \quad (1)$$

унинг кинематик чегаравий шarti:

$$\bar{x} \in \Sigma_u : \bar{u} = 0; \quad \delta \bar{u} = 0. \quad (2)$$

бу ерда $\bar{u} = \{u_1, u_2\}$ - кўчиш вектори; $\varepsilon_{ij}, \sigma_{ij}$ - деформация ва кучланиш тензори компонентлари; $\delta \bar{u}, \delta \varepsilon_{ij}$ - кўчиш вектори ва деформация тензорининг изохрон вариацияси; \bar{p} - сувнинг гидростатик босими; \bar{f} - масса кучлари вектори.

Тўғонга сувнинг гидростатик босими Σ_p қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\bar{p} = \rho_0 g (h - y) \quad (3)$$

бу ерда ρ_0 - сув зичлиги; g - эркин тушиш тезланиши; $(h - y)$ - тўғоннинг босим чегарасидаги нукта чуқурлиги.

Тўғон танасининг ҳар бир соҳасидаги (S_1, S_2, S_3) материалнинг физик хусусиятларини ифодалаш учун: ε_{ij} деформацияларга эга σ_{ij} кучланиш тензори компонентларини боғловчи умумлаштирилган текис-деформация ҳолати учун Гук қонунидан фойдаланилади.

Кўриб чиқиладиган масала чекли элементлар усулини қўллаган ҳолда ечилиб, элементлар ичидаги кўчиш майдонини чизикли аппроксимацияга эга бўлган учбурчакли чекли элементдан фойдаланилади. Чекли элементли дискретизациялашдан кейинги масала N -ли тартибли алгебраик тенгламалар системасига келтирилади:

$$[K] \{u\} = \{F\} \quad (4)$$


бу ерда: $[K]$ - иншоот умумий бикрлик матрицаси; $\{F\}$ - иншоотнинг тугун нуқталарига қўйилган (яъни масса кучи ва гидростатик босимдан) ташқи юк вектори; $\{u\}$ - иншоотнинг аниқланаётган тугунли кўчиш вектори.

Ҳосил қилинган (4) алгебраик тенгламалар системаси Гаусс усули билан ечилади.

Пачкамар, Зомин ва Гиссарак грунтли тўғонларининг конструктив хосликлари ва грунтларининг бир жинсиз механик тавсифларини ҳисобга олиб, сув омборини турли хил сатҳларда тўлдирилиши ва гидростатик босим таъсирида тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатлари тадқиқ қилинган.

2, 3-расмларда сув омборини тўлиқ ва ярим тўлдирилган ҳолатларда бир жинсиз Пачкамар (ядроли), Зомин (экранли) тўғонлари учун нормал - σ_{11} (а), уринма- σ_{12} (б) ва интенсив кучланишлар- σ_i (в)нинг тақсимланиши келтирилган.

Сув омбори сув билан ярим тўлдирилганда гидростатик сув босими юқори таянч призмада қайта тақсимланади. Бунда юқори призманинг ён бағирли зонаси яқинида (яъни: гидростатик босимнинг мавжуд қисмида) кучланишнинг тензор компонентлари σ_{11} (5-40% га), σ_{22} (5-30% га), σ_{12} (15-35% га) ва интенсив кучланиш σ_i (5-10% га) ортади. Тўғоннинг ўрта қисмида ва ядро зонаси яқинида кучланишнинг тақсимланиши тўғоннинг кучланганлик деформация ҳолатини деярли ўзгартирмайди. Сув омбори сув билан максимал тарзда тўлдирилганда, тўғоннинг кучланганлик деформация ҳолатини кучли ўзгартиради ва кучланишни тақсимланишининг симметрик тавсифи бузилади. Бунда юқори таянч призмада кучланиш компонентларининг миқдори ортади, яъни: σ_{11} (15-60% га), σ_{22} (10-45% га), σ_i (10-30% га), σ_{12} эса сувсиз ҳолатга нисбатан деярли 2-3 мартага, интенсив кучланиш эса - σ_i (10-30% га) ортади.



Сув омбори тўла тўлдирилган ҳолатдаги σ_{11} - нормал, σ_{12} - уринма ва σ_i - интенсив кучланишлар: ----- сувнинг гидростатик босими ҳисобга олинган; ——— гидростатик босим ҳисобга олмаган.

2-расм. Пачкамар тўғони кучланишларининг тенг даражадаги тақсимланиш изочизиклари

3-расм. Зомин тўғони кучланишларининг тенг даражадаги тақсимланиш изочизиклари

Хусусий оғирлик таъсиридаги (гидростатик босимни ҳисобга олмаган) соз тупроқли экранга эга грунтли тўғоннинг кучланганлик-деформация ҳолатида σ_{11} , σ_{22} , σ_{12} кучланиш компонентлари ва σ_i интенсив кучланишнинг симметрик кўринишда тақсимланади. Сув омбори сув билан тўлик тўлдирилганда гидростатик босим кучланишларнинг ташкил этувчиларини тавсифиларини кучли ўзгартиради. Гидростатик босим ҳисобига тўғоннинг юқори қисмларида кучланиш компонентларининг миқдори ортади, яъни: σ_{11} (10-60% га), σ_{22} (5-45% га), σ_{12} (10-50% га) ва интенсив кучланиш σ_i (10-25% га) ортади. Гидростатик босимдан ҳоли бўлган қисмларда эса тўғоннинг кучланганлик деформация ҳолатларининг характери деярли ўзгармайди (3-расм).

Баланд Гиссарак грунтли тўғонининг кучланганлик деформация ҳолати тадқиқотидан кўрнадики, натижалар сифат жиҳатидан Пачкамар тўғонининг кучланганлик-деформация ҳолати тавсифини такрорлайди. Фарқ асосан кучланганлик ўзгаришининг миқдорий тавсифидан иборат бўлади.

Грунтли иншоотнинг мустаҳкамлигини баҳолашда грунт массиви мувозанатининг бузилиши унинг устуворлигини йўқотилиш оқибати ҳисобланиб (пластик деформацияни ортиши эътиборга олинмаяпти) ва грунт массиви бузилиши массивнинг битта қисмини бошқа қисмга нисбатан силжиши ҳисобига содир бўлиши, чегаравий-мувозанат ҳолати шарти асосий кучланганлик тўғри чизикли эгилувчи доира кўринишида қабул қилиниши тахмин қилинади. Мустаҳкамлик захирасининг коэффиценти грунт иншоотининг ҳар бир нуқтасидаги нисбат билан аниқланади:

$$K = \frac{0,5[(\sigma_1 + \sigma_2 - 2\tau_{\max} \times \sin \varphi)tg \varphi + 2C]}{\tau_{\max} \cos \varphi} \quad (5)$$

Бу коэффицентни бутун иншоот бўйлаб ва ён бағир зоналари бўйича тақсимланишининг тўлик манзарасининг ифодасини олиш зоналар мавжудлиги, ўлчамлари ва жойлашувини ўрнатиш имкониятини бериб, улардан қуйидаги учта шартлардан биттаси бажарилади: $K > 1$ -иншоотнинг бу соҳасида мустаҳкамлик захираси бўлади, яъни чегаравий ҳолатгача бўлади; $K = 1$ - грунт чегаравий мувозанат ҳолатида бўлади; $K < 1$ -грунтнинг мустаҳкамлиги иншоотнинг мазкур участкасида бузилган бўлади ва ноустуворликнинг маҳаллий зонасини ҳосил қилади.

(5) шарт грунт массивининг турли хил нуқталаридаги топилган кучланганлик ҳолати бўйича чегаравий ҳолатни бир хил текшириш ва сирпаниш майдони ҳолатини аниқлаш имкониятини беради. Сув омбори сув билан турли хил даражаларда тўлдирилганда иншоотнинг хусусий оғирлиги таъсири остидаги тўғонларнинг амалдаги геометрик ўлчамлари, конструктив ўзига хосликларини ҳисобга олиб, Пачкамар, Зомин ва Гиссарак грунтли тўғонлари учун олинган кучланганлик ифодаларидан σ_{11} , σ_{12} , σ_{22} , σ_1 , σ_2 , τ_{\max} фойдаланиб, (5) формула бўйича уларнинг мустаҳкамликлари баҳоланади.

Олинган натижаларнинг таҳлили кўрсатадики, статик таъсирларда (хусусий оғирлик ва гидростатик босим таъсири остида) кўриб чиқиладиган

тўғоннинг мустаҳкамлиги, шунингдек уларнинг ён бағирларининг мустаҳкамлиги таъминланган (изочизикларда келтирилган рақамлар “К” мустаҳкамлик заҳираси ифодасини кўрсатади). Бунда олинган натижалар бўш сув омборининг ёнбағир зоналарининг мустаҳкамлиги тўлдирилганга қараганда камлигини кўрсатади. Ён бағир зоналарда мавжуд гидростатик сув босими қарама-қарши йўналишда уринма ва нормал кучланиш, яъни: σ_{12} ва σ_{11} ни ҳосил қилади. Бу кучланишлар ўз навбатида хусусий оғирлик таъсирида тўғон танасида юзага келадиган кучланишларни ушлаб туради.

Диссертациянинг иккинчи **“Намликнинг тарқалишини ҳисобга олиб, грунтли тўғоннинг кучланганлик-деформация ҳолати ва мустаҳкамлигини баҳолаш ва прогнозлаш”** боби сув омбори суви билан бевосита контактда бўлган тўғоннинг юқори қиялигидан намликнинг тўғон танасида тарқалиши натижасида кучланганлик-деформация ҳолатининг трансформациясини баҳолаш ва масалаларни ечиш усулини ишлаб чиқишга бағишланган. Усулда асос сифатида грунт массивининг чекли элемент дискретизацияси олинган.

Тўғон танасидаги фильтрация жараёнини моделлаштириш учун Лаплас ва Пуассон тенгламаси ҳисобланган умумий кўринишдаги квазигармоник тенгламаси билан тасвирланадиган ғовак муҳит орқали, намлик фильтрациясидан фойдаланамиз. Бундай ҳолатда номаълум физик қийматлар w , яъни намланганликнинг ҳолатини ифодаловчи текис масалалар учун квазигармоник тенглама куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{\partial}{\partial x} \left(k_x \frac{\partial w}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(k_y \frac{\partial w}{\partial y} \right) + (Q^* - \mu \frac{\partial w}{\partial t}) = 0. \quad (6)$$

Сўнгги кўшилувчини ҳисобга олиш билан намликнинг тўғон танаси бўйлаб тарқалиши ҳақидаги динамик масалага –фильтрация масаласига олиб келинади. Бу ерда: $w(t,x,y)$ – кўриб чиқиладиган соҳадаги номаълум бир хил намлик функцияси; k_x, k_y – координаталар ва вақтнинг маълум функциясини ифодаловчи фильтрация коэффицентлари; Q^* – тўғон танасидаги намлик манбалари қувватини ифодаловчи координата ва вақтнинг маълум функцияси; μ – намланишнинг солиштирма коэффиценти; \bar{p}_c - сувнинг гидростатик босими.

Масаланинг қўйилишини аниқлаштириш учун юқори қияликнинг қуйи қисми $S_p = \sum_p$ сув омборини тўлдириш даражасигача h максимал тарзда намланган деб ҳисоблаймиз (1-расм). Намланганликнинг максимал даражаси $w_{max} = 0,38$ ни ташкил қилади. Шунинг учун тўғоннинг S_p қисмидаги чегаравий шарт w функцияси учун куйидагича бўлади:

$$\bar{x} \in S_p : w = w_{max} \quad (7)$$

Чегаранинг қолган участкаларида куйидаги шарт бажарилиши керак:

$$k_x \frac{\partial w}{\partial x} l_x + k_y \frac{\partial w}{\partial y} l_y + \alpha w = 0, \quad (8)$$

бу ерда: l_x, l_y – ташқи нормалнинг чегаравий юза қисмга йўналтирувчи косинуслар; αw – конвекция йўли билан намлик йўқолиши.

$k_x=k_y$, ва $\alpha=0$ бўлганда (8) шарт чегарадан ўтиб бўлмасликнинг маълум шартига олиб келинади (тўғоннинг намланмайдиган асоси)

$$\bar{x} \in \Sigma_u : \frac{\partial w}{\partial n} = 0, \quad (9)$$

$\alpha \neq 0$ бўлганда эса чегара (асос) намланадиган ҳисобланади.

(6) – (8) даги ҳамма коэффициентлар (k_x, k_y, Q^*) доимий бўлади, ёки координата ва вақтнинг берилган функциялари ҳисобланади. (6) тенглама куйидаги шартларга эга функция учун бошланғич ва (7) – (8) чегаравий шартлар билан биргаликда

$$w(t=0)=w_0 \quad (10)$$

маълум вақт оралиғидаги масаланинг ечимини бир хил аниқлайди.

Грунтда намликнинг тарқалиши ҳақидаги масалани ечиш учун чекли элементлар усулидан (ЧЭУ) фойдаланилади, шунинг учун тўғон грунгида намлик тарқалишини ифодаловчи физик интерпретация, математик жиҳатидан дифференциал тенгламага эквивалент бўлган функционални куриш зарур.

Дифференциал тенгламага (6) эквивалент функционал куйидаги кўринишга эга

$$w = \int_S \left[\frac{1}{2} \left\{ k_x \left(\frac{\partial w}{\partial x} \right)^2 + k_y \left(\frac{\partial w}{\partial y} \right)^2 \right\} - Qw \right] ds, \quad (11)$$

бу ерда: $Q=Q^* - \mu \frac{\partial w}{\partial t}$.

Функционал минимизацияси учун ЧЭУ процедурасидан фойдаланиш (11) кўриб чиқиладиган вариацион масалани биринчи тартибдаги оддий дифференциал тенгламанинг куйидаги системасига келтиради:

$$[K] \{w(t)\} + [C] \frac{d}{dt} \{w(t)\} + \{F(t)\} = 0, \quad (12)$$

бу ерда: $[K]$ ва $[C]$ – намлик тарқалиши ва бикрлик матрицаси; $\{F\}$ – тугунлар бўйича мос келувчи элементлар матрицасини $[k]^e$, $[c]^e$ ва $\{f\}^e$ бирлаштириш билан шакллантирувчи бутун тизимнинг куч вектори.

Дифференциал тенглама (12) системаси ечими биринчи тартибдаги оддий дифференциал тенглама системаси ечимига мослаштирилган Ньюмаркнинг кадамли методи билан амалга оширилади.

Аниқ вақт momentiдаги масалани ечишда намлантирилган грунтнинг физик-механик параметрлари тўғон нуқталаридаги намланганликка W мувофиқ куйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$\mu_n = 0,096 \exp(4,02(1 - w/w_{\max})), \quad (13)$$

$$K_n = 0,5 \exp(2,5(1 - w/w_{\max})),$$

$$\rho_n = 0,00176(1+w). \quad (14)$$

бу ерда: μ_n - силжиш модули; K_n – ҳажмий сиқилиш модули; ρ_n - грунт зичлиги; $n=1,2,3$ индекс мазкур параметр тегишли бўлган соҳа рақамини (s_1, s_2, s_3) англатади.

Грунтда намлик тарқалиши тўғрисидаги бошланғич шартга эга (10) вариацион масала (11) асосида ЧЭУ ни биринчи тартибдаги дифференциал тенгламалар системаси учун масалани ечимига олиб келамиз (юқорида кўрсатилган каби), яъни:

$$[C] \{\dot{w}(t)\} + [K] \{w(t)\} + \{F(t)\} = 0 \quad (15)$$


қуйидаги бошланғич шартлар билан

$$\{w(0)\} = 0. \quad (16)$$


Мазкур масалани ечиш натижасида, t - вақтда тўғон танасидаги намлик тақсимланиши майдонига эга бўламиз. Тўғон танаси бўйича намликнинг мазкур тақсимотини кейин ҳисобга олиб, t -вақт momentiда грунтнинг юқорида олинган бир жинссиз намланишини ҳисобга олиб, тўғоннинг ҳар бир нуқтасидаги кучланиш $\sigma_{ij}(\bar{x})$ ва силжишни $\bar{u}(\bar{x})$ баҳолаш бўйича масала ечилади.

Грунтли (Пачкамар, Гиссарак ва Зомин) тўғонлар учун мазкур масалани ечишда ядро ва экрандаги грунт фильтрацияси коэффициентлари $k_x=k_y=0.01$ м/суткага тенг қилиб қабул қилинади. Таянч призмаларига $k_x=k_y=2$ м/суткага тенг фильтрация коэффициентларига эга кумлоқ-шағал, кумлоқ грунтдан тўкилган. Юқори ёнбағир қисми сув омборини тўлдириш даражасига мувофиқ келувчи нормал димланган сатҳгача бўлган бошланғич намлик $w_0 = 0.38$ га тенг, тўғоннинг қолган қисми оптимал намликка $w_{\text{опт}} = 0.17$ эга.

Асоснинг сув ўтказувчан ва сув ўтказмаслигини ҳисобга олиб, сув омборини турлича тўлдирилганда вақт бўйича Пачкамар (4-расм) ва Зомин (5-расм) тўғоларининг танаси бўйича намликнинг тарқалиши тадқиқ қилинган.



4-расм. Сув омбори $h=63$ м даражасигача тўлдирилгандан сўнг 28 сутка ичида Пачкамар тўғони танасида намликнинг тарқалиши



5-расм. Сув омбори $h=63$ м даражасигача тўлдирилгандан сўнг 28 сутка ичида Зомин тўғони танасида намликнинг тарқалиши

Олинган натижалардан кўринадики, юқори ёнбағирнинг катта қисмини сув билан намланиши давомийлиги, яъни намликнинг тарқалиши шакли бўйича эгри депрессияга яқинлашади. Бунда аста-секинлик билан тўғоннинг юқори ёнбағри тўлиқ намланади. Буни $w=0.21$ намликка эга чизиклар ҳолати бўйича кузатиш мумкин бўлиб, улар вақт ўтиши билан ядронинг юқори ёнбағри чегарасига яқинлашади. Ядронинг ва қуйи ёнбағирнинг марказий қисми намлиги оптимал ($w=0.17$ намланганликка эга чизиклар) даражада қолади.

5-расмдаги юқори даражада намлик чизиклари сув муҳити билан чегараланувчи тўғоннинг юза қисми яқинида жойлашади. Бунда контакт юза қисмининг ортиши бир хил вақт интервалида тўғон ичидаги намликнинг катта фильтрациясига олиб келади. Экраннинг ўнроқ томонида жойлашган тўғон соҳаси бошланғич намлик шароитида, яъни $w=0.16$ дан ортмаган ҳолатда қолади.

Пачкамар сув омборини тўлдириш ёнбағирдаги гидростатик босим ҳисобига ҳам, тўғон танаси бўйлаб намлик тарқалиши ҳисобига ҳам кучланганлик майдонининг симметрик тасвирланишини янада ҳам ўзгартиради. Зомин тўғонида экран грунтда намлик тарқалишига қаршилик қилади. Унинг устида йиғилган суюқлик юқори ёнбағир зонасидаги статик юкни орттиради ва бу ерда сиқилишдаги кучланиш ортади. Эркин сув юза қисмида мустаҳкамлик $K \leq 1$ заҳира коэффициентига эга зона Пачкамар тўғонида кузатилгани каби шаклланади.

Диссертациянинг учинчи «**Грунтнинг қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини ҳисобга олиб, грунтли тўғонларнинг динамик тавсифи ва динамик ҳолатини баҳолаш ва прогнозлаш**» бобида грунтнинг қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини ҳисобга олиб, грунтли тўғонларнинг динамик тавсифи ва динамик ҳолатини баҳолаш учун математик модель, ечиш усуллари ва ҳисоблаш алгоритмлари келтирилган. Грунтнинг бир жинсиз эластиклик ва қовушқоқ-эластиклик тавсифлари ва иншоотнинг конструктив ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, баландлиги бўйича турлича бўлган грунтли тўғонларнинг динамик тавсифлари ва динамик ҳолатлари тадқиқ қилинган.

Иншоотнинг динамик тавсифларини аниқлашда конструктив ўзига хос хусусиятлар, иншоотнинг бир жинсизлиги, материалнинг ноэластиклик хусусиятлари ва ҳақиқий геометрияси ҳисобга олиниб, конструкциянинг хусусий тебраниши тадқиқ қилиниши зарур. Хусусий тебранишини кўриб чиқишда иншоотнинг ҳамма нуқталари (1- расм) бир хилдаги гармоник қонуният бўйича, лекин турли хил амплитудалар билан тебраниши яъни координаталар функциялари ҳисобланиши таҳлил қилинади:

$$\vec{u}(\vec{x}, t) = \vec{u}^*(\vec{x})e^{-i\omega t}; \quad \vec{u} = \{u_1, u_2\} = \{u, v\}, \quad \vec{x} = \{x_1, x_2\} = \{x, y\} \quad (17)$$

$\{u_1, u_2\}$ ёки $\{u, v\}$ - иншоот нуқталарининг мос тарздаги вертикал ва горизонтал кўчиши.

Грунтли тўғонларнинг хусусий тебраниши ҳақидаги масалани қўйиш учун мумкин бўлган кўчишлар принципидан фойдаланилади, унга мувофиқ системада мавжуд инерция кучидан тортиб, ҳамма фаол кучларнинг бажарган ишларининг йиғиндиси нолга тенг бўлади, яъни:

$$\begin{aligned} \delta A = & - \int_{s_1} \sigma_{ij}^* \delta \varepsilon_{ij} ds - \int_{s_2} \sigma_{ij}^* \delta \varepsilon_{ij} ds - \int_{s_3} \sigma_{ij}^* \delta \varepsilon_{ij} ds + \\ & + \omega^2 \left(\int_{s_1} \rho_1 \ddot{u}^* \delta \bar{u}^* ds + \int_{s_2} \rho_2 \ddot{u}^* \delta \bar{u}^* ds + \int_{s_3} \rho_3 \ddot{u}^* \delta \bar{u}^* ds \right) = 0 \end{aligned} \quad (18)$$

$$\vec{x} \in \sum_n : \delta \vec{u}^* = 0$$

бу ерда: ω , $\vec{u}^*(\vec{x})$ - мос тарзда иншоот тебранишининг хусусий частотаси ва шакли; σ_{ij}^* - кучланиш амплитудаси.

ЧЭУ фойдаланиб (18) вариацион тенгламани бутун иншоот учун хусусий ифодасида алгебраик тенгламалар системасига келтиради (1- расм):

$$([K] - \omega^2 [M])\{z\} = 0 \quad (19)$$

бу ерда: $[K]$ - бикрлик матрицаси, $[M]$ - иншоот массасининг матрицаси, ω - хусусий частота, а $\{z\}$ - иншоотнинг хусусий частотасига мос келувчи хусусий вектор. Пачкамар, Зомин ва Гиссарак грунтли тўғонларининг эластиклик деформацияланиш ҳолатлари учун хусусий тебраниш частотаси ва шакли аниқланиб, турли хил динамик таъсирларда иншоотларнинг динамик ҳолатларини баҳолашда зарурдир. Бунда иншоотнинг конструктив ўзига хосликлари, геометрияси ва материалнинг физик-механик тавсифлари ҳисобга олинади.

Пачкамар ва Зомин тўғонлари тебранишининг хусусий частоталарининг биринчи ўнтасининг таҳлилидан кўринадики, уларнинг частоталари юқори частотали соҳанинг 3,1-10,9 Гц (кенг) диапазонида ётади. Баланд Гиссарак тўғонида эса унинг асосий тебраниш шакли паст частотали соҳанинг нисбатан зич 1,9-5,6 Гц диапазонидадир. Ҳамма тўғонлар учун акс этадиган асосий шакллар марказий кесимнинг силжишига эга тўғоннинг вертикал деформацияси ҳисобланади (биринчи шакл), тебранишнинг иккинчи ва учинчи шакллари мураккаб ён бағир деформацияси эга марказий кесимни акс эттиради ва бошқалар.

Масалани математик қўйиш учун мумкин бўлган кўчиш принципидан фойдаланилади, яъни:

$$\begin{aligned} \delta A = & - \int_{s_1} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} ds - \int_{s_2} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} ds - \int_{s_3} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} ds - \int_{s_1} \rho_1 \ddot{u} \delta \bar{u} ds - \\ & - \int_{s_2} \rho_2 \ddot{u} \delta \bar{u} ds - \int_{s_3} \rho_3 \ddot{u} \delta \bar{u} ds + \int_s \bar{f} \delta \bar{u} ds + \int_{\Sigma_p} \bar{p} \delta \bar{u} d\Sigma = 0 \end{aligned} \quad (20)$$

кинематик чегаравий шартлар

$$x \in \Sigma_u : \vec{u}_o(\vec{x}, t) = \vec{\psi}_1(t) \quad (21)$$

Коши муносабатлари ва қовушқоқ-эластикликнинг чизиқли назариясининг физик муносабатлари, яъни:

